

2015 йил учун
«UNICON.UZ» ДУК иш натижалари бўйича
ахборот
(тезкор маълумотлар)

5. ЎзР ААваТТДҚ (ҳозирги ЎзР АТваҚРВ ёки Вазирлик)нинг 2015 йил 6 февралдаги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган 2015 йил учун алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларига мувофиқ, “UNICON.UZ” ДУКга 1 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳамда 57 та норматив ҳужжат (шу жумладан, олдинги йиллардан ўтган 6 та НХ) ишлаб чиқиш топширилган, буюртмачилар этиб Вазирлик белгиланган.

2015 йил давомида техник топшириқларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, норматив ҳужжатлар биринчи ва якуний таҳрирларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, шунингдек олдинги йиллар режасидан ўтадиган НХни ишлаб чиқиш ишларини якунига етказиш бўйича ишлар бажарилди.

6. ЎзР ААваТТДҚнинг 2015 йил 6 февралдаги 38-сон буйруғи билан тасдиқланган 2015 йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш режалари бўйича “UNICON.UZ” ДУКда 6 та мавзу бўйича ИТИ ўтказиш, 2014 йил 21 январдаги 23-сон буйруғи билан тасдиқланган режалари бўйича “UNICON.UZ” ДУКда 3 та мавзу бўйича ИТИ ўтказиш кўзда тутилган.

Техник топшириқларда кўзда тутилган барча ҳисобот материаллари тақдим этилган.

7. 2015 йил давомида телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш органи томонидан қуйидаги ҳажмда ишлар бажарилган:

декларация-талабномалар берилиш – 369 та;

мувофиқлик сертификатлари бериш – 363 та;

сертификатлаштириш ишларини ўтказиш учун 174 та шартнома ва 36 та экспорт контрактлари тузилди.

8. Асос метрологик хизмати томонидан 2015 йил давомида қуйидаги ишлар бажарилди:

- соҳа корхоналарининг метрологик хизматлар ишларининг режалари тўпланди ва таҳлил қилинди;

- метрологик таъминот масалалари бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг 148 та ташкилотларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатилди;

- алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналарида фойдаланиладиган ЎВ маълумотлар базасини юритиш бўйича ишлар ўтказилди;

- metrolog.aci.uz ахборот-маълумот тизимининг маълумотлар базаси янгиланди;

- метрология хизматларининг бош метрологлари ва мутахассислари семинарида иштирок этилди (Россия Федерацияси, Москва ш.);

- ҳисобот даврида метрологик аттестация ҳақида 14 та сертификат соҳа реестрига киритилди.

9. 2015 йил давомида СТТ томонидан қуйидаги ишлар бажарилди:

- норматив ҳужжатларни ишлаб чиққиш, стандартлаштириш ва норматив ҳужжатларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни тайёрлаш бўйича ишлар режалари ва ҳисоботларини тузишда корхона ва ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатилди;

- ахборот-маълумот фондига 31 та норматив ҳужжат (шу жумладан, 1 та техник регламент), 2 луғат, 23 та норматив ҳужжатларга ўзгартириш киритишлар, 7 та оралиқ ҳисобот ва 8 та ИТИ бўйича яқуний ҳисобот келиб тушди;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган 60 та норматив ҳужжатнинг текшируви ўтказилди;

- 16 140 варақ миқдорига алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларнинг норма назорати ўтказилди;

- НХМБ АТга 31 та норматив ҳужжат (шу жумладан, 1 та техник регламент), 2 та луғат ва 23 та норматив ҳужжатларга ўзгартириш киритишлар.

10. 2015 йил давомида ЭММТХ томонидан қуйидаги ишлар бажарилди:

- ХЭИ-Рдан келиб тушган ҳужжатлар лойиҳаси таҳлил қилинди ва ишлаб чиқилган маълумотлар ва таклифлар РЧДК ИҚга тақдим этилди: янги Тавсиялар лойиҳаси – 26, қайта кўриб чиқилган Тавсиялар лойиҳаси – 82, бекор қилиш учун таклиф этилган Тавсиялар лойиҳаси – 30, янги Саволлар лойиҳаси – 10, қайта кўриб чиқилган Саволлар лойиҳаси – 11, бекор қилиш учун таклиф этилган Саволлар лойиҳаси – 31, процедура қоидаларига ўзгартиришлар бўйича таклифлар – 1;

- РЧСФТСБ мурожаатига асосан 2015 йилда радиочастота спектридан фойдаланиш ва тақсимлаш саволлари бўйича халқаро ташкилотларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси иштироки бўйича Тайёрлов комиссиясининг 2015 йилги Иш режасининг лойиҳаси кўриб чиқилди ва тегишли таклифлар тақдим этилди;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг мурожаатига асосан “Фаластин ҳудудида 3- ва 4-авлод мобил уяли алоқа тизимлари учун радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқини олиш” ташаббусини қўллаб-қувватлаш масаласи бўйича Фаластин Ҳукуматининг Ўзбекистондаги элчихонасига ёзилган нотаси кўриб чиқилди ва тегишли таклифлар Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этилди;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг мурожаатига асосан Буюк Британия ҳукуматининг “ўртача куёш вақти билан синхронлаш мақсадида сония қўшиш йўли билан бутунжаҳон координация вақтига (UTC) тўғрилаш киритишни сақлаб қолиш” ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг Ўзбекистондаги элчихонасига ёзилган нотаси кўриб чиқилди ва тегишли таклифлар Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этилди;

- 2015 йилнинг АСМХнинг Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига (БРК-15) тайёргарлик кўриш бўйича тузилган ишчи гуруҳи йиғилишида (РФ, Москва ш.) иштирок этилди;

- 2015 йил конференциясига тайёргарлик доирасидаги йиғилишининг 2-сессиясида (СРМ15-2) (Швецария, Женева ш.) иштирок этилди;

- АСМХнинг БРК-15/РА-15 тайёргарлик бўйича тузилган ишчи гуруҳининг 7-йиғилиши, Радиоэшиттириш бўйича ишчи гуруҳининг

5-ййғилиши ва Радиочастоталар спектрини бошқариш бўйича ишчи гуруҳининг 6-ййғилишларида (Тошкент ш.) фаол қатнашилди;

- РЧСФТСБ мурожаатига асосан АСМХнинг БРК-15 га тайёргарлик кўриш бўйича тузилган ишчи гуруҳи ййғилишида қабул қилинган қарорларга мувофиқ БРК-15 кун тартиби пунктлари бўйича Ўзбекистон Республикаси позициясининг лойиҳаси қайта кўриб чиқилди ва РЧСФТСБга тақдим этилди;

- Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Motorola Solutions GmbH компанияси билан биргаликда радиоускуналардан фойдаланувчилар, радиоалоқа технологияларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар учун бўлиб ўтган семинарда иштирок этилди;

- АСМХнинг радиочастота спекторидан ва спутник орбиталаридан фойдаланишни бошқариш Комиссиясининг 8-ййғилишида ва БРК-15/РА-15 тайёргарлик бўйича тузилган ишчи гуруҳининг 8-ййғилишида (РФ, Москва ш.) иштирок этилди;

- Швецариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган 2015 йилдаги радиоалоқа Ассамблеяси ҳамда бутунжаҳон радиоалоқа конференциясида (Швецария, Женева ш.) иштирок этдилар ва тегишли ҳисоботлар РЧСФТСБга тақдим этилди;

- 2015 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига тайёргарлик доирасида кун тартиби пунктлари бўйича маърузалар ўтказилиб келинмоқда.

11. Ҳисобот даврида АОДКХ ходимлари томонидан алоқа субъектлари ва объектларининг вакиллари билан маслаҳат иши ўтказилди.

Бир қатор соҳа корхоналарига консультацион ёрдам кўрсатилди.

“Телекоммуникация и Почта” маълумотлар базасидаги атрибут маълумотлар учун янги давр (период) яратилди.

“Кадастр ОС. Мониторинг”, “Кадастр ОС. Импорт”, “Кадастр ОС. Модуль” ва “Кадастр ОС. Телеком” дастурий модулларини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилди. «O'zModul» и «Модуль» дастурий маҳсулотларга “Ўзбектелеком”АК дан келиб тушган таклифлар бўйича ўзгартиришлар киритилган.

“Ўзбектелеком-Интернешенл” ҚК, “Чирком” МЧЖ, “Super Imax” МЧЖ, “UMS” ҚК ва “РРТМ” “UNICON.UZ” ДУК учун атрибут маълумотларининг локал тармоқлари яратилди.

12. 2015 йил давомида Атамашунослик ва луғатлар хизмати томонидан ишлаб чиқилган 2 та атамашунослик луғати Вазирликнинг буйруғи билан амалга киритилди, 1 та луғат давлат нашриёти томонидан чоп этилди, ва 3 та атамашунослик луғати давлат тилидаги атамаларни кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш комиссияси аъзоларига кўриб чиқиш ва фикр-мулоҳаза билдириш учун юборишга тайёрланмоқда.

13. 2015 йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш объектларини куриш ва реконструкция қилиш учун 1160 та лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизаси бўйича ишлар ўтказилди.

14. 2015 йил давомида “UNICON.UZ” ДУК қошидаги Электрон ақамли имзолар маркази фаолиятини амалга ошириш юзасидан:

- RSA стандарти асосида 881 та ЭРИ калитлари;

- O'zDSt стандарти асосида 21 456 та ЭРИ калитлари;

Жорий йилда жисмоний ва юридик шахслар учун генерация қилинган ЭРИ калитларининг умумий миқдори 22 337 тани ташкил этади.

“E-hujjat” ЭҲА тизимига 40 та фойдаланувчи, “E-XAT” ҲЭП тизимига 1500 тадан ортиқ фойдаланувчилар уланди. “E-kalit” ҳимояланган аппарат-дастурий қурилмалар 7300 дан ортиғи сотилди, шунингдек, шартнома асосида “Ижро интизоми” ИМОН тизимга уланган ташкилотлар фойдаланувчиларининг умумий сони 200 дан ортиқни ташкил этди.

Дистрибьюторлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида “E-hujjat” ЭҲА, “E-XAT” ҲЭП ва “Ижро интизоми” ИМОН тизимларига ҳокимликлар ҳузуридаги “Компьютерлаштириш маркази” ДУКларга дистрибьюторлик келишувлари тақдим этилди. Унга кўра Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси “Компьютерлаштириш маркази” ДУКлари билан дистрибьюторлик келишувлар имзоланди.

Дистрибьюторлик келишувларига асосан, вилоятларда 1275 та “E-XAT” ҲЭП, 196 та “E-hujjat” ЭҲА, ҳамда 37 та “Ижро интизоми” ИМОН тизимлари жорий этилди.

Давлат ягона интерактив хизматлари портали орқали «Margilon kelajak texnologiyalari» ХТнинг 2015 йил 26 январдаги 125857-сонли мурожаатига асосан дистрибьюторлик келишуви тақдим этилди.

Вилоят ҳокимликлари қошидаги “Компьютерлаштириш маркази” ДУКлари мутахассислари “E-hujjat” ЭҲА, “E-XAT” ҲЭП ва “Ижро интизоми” ИМОН тизимларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда малакаларини ошириш мақсадида, ўқув семинари ташкил этилди, қатнашган мутахассисларга сертификатлар тақдим этилди. Ушбу ўқув семинарида ЭРИ калитлари, “E-XAT” ҲЭП ва “Ижро интизоми” ИМОН тизимлари ҳақида маълумотлар тақдим этилди, ҳамда дистрибьюторлик шартномалари ва келишувлари қайтадан имзоланди.

“Ижро интизоми” ИМОН тизимини республика миқёсида кенг қамровли тадбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 56 ва 56а-сон баённомаларига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини тизимга 3 босқичли схема бўйича улаш белгиланган.

I-босқич ижроси бўйича:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 14 тасига, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг 107 тасига, жами 121 та ташкилотларга идоралараро «Ижро интизоми» тизимижорий этилди. Ушбу ташкилотларнинг масъулларига 650 та ЭРИ калитлар тақдим этилиб, тизимнинг фойдаланувчиларига тизим билан ишлаш бўйича ўқитиш ишлари олиб борилди.

II-III босқич ижроси бўйича:

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг вилоят, ҳудудий бошқармаларива бўлинмалари, туман бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туман ҳокимликлари ва бўлинмаларининг 2700 таси ушбу тизимга уланиб, ҳозирги кунга қадар тизимнинг фойдаланувчилар сони 11 000 тадан ортиқни ташкил этди ва 2015 йил 29 майдаги Вазирликнинг Ҳайъати мажлисининг баённомаси асосида “Ижро интизоми” ИМОН тизимини жорий этиш масалалари расмий тўхтатилди.

Шу билан бирга, идоралараро “Ижро интизоми” ИМОН тизими фойдаланувчилари учун қўп каналли “Call-center” хизмати ишга туширилди (200-46-46), фойдаланувчилар учун қўлайлик яратиш мақсадида қўнғироқларни тезкор қабул қилиш ҳамда уларни операторлар ўртасида тақсимланиши йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, фойдаланувчилар учун масофадан туриб тизимни ўзлаштириш мақсадида тизим билан ишлаш бўйича овозли видео ўқув қўлланмалар ва йўриқномалар www.ijro.uz доменига жойлаштирилди.

Идоралараро «Ижро интизоми» тизимининг ишга туширилиши ва Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратидаги ички электрон ҳужжат алмашинуви тизими (SharePoint) билан интеграциялашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 февralидаги 09-08/1-193-сон чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

Мазкур чора-тадбирлар режасининг ижроси юзасидан “UNICON.UZ” ДУК томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилди:

Вазирлар Маҳкамасининг интеграцияланган тизимини яратиш бўйича техник топшириқни “UNICON.UZ” ДУК “UZINFOCOM” ДУК билан биргаликда ишлаб чиққан бўлиб, белгиланган муддатда Вазирлар Маҳкамасига расмий равишда тақдим этилди.

Тизимларнинг интеграциялашдан асосий мақсад Вазирлар Маҳкамасининг ички ахборот (SharePoint) тизимидан чиқувчи корреспонденцияларни “Ижро интизоми” ИМОН тизими орқали вазирлик ва давлат идораларига автомат равишда юборишни ўз ичига олади. Шунингдек, вазирлик ва давлат идораларидан “Ижро интизоми” ИМОН тизими орқали Вазирлар Маҳкамаси манзилига йўналтирилган хатларни рўйхатдан ўтказиш ва бўлимларга тарқатиш учун Умумий бўлим узелига автоматик тарзда келиб тушишини тест режимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан муваффақиятли ўтди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 1 июндаги 17-8/2053 сонли хати билан Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида “Ижро интизоми” тизими билан ишлаш бўйича 2 босқичли ўқув курслари ўтказилди.

“Ярмарка инновационных идей, технологий и проектов” ярмаркасида иштирок этилди.

ICTWEEK Uzbekistan 2015 ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигида қатнашилди ва Марказнинг буйруғига мувофиқ барча жисмоний шахслар учун ЭРИ калитлар бепул тарқатилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 13 июлдаги 117-Ф-сон фармойиши асосида прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида келиб тушган расмий аризаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва вилоят, шаҳар, туман прокуратура органларининг 581 та ходимларига (прокурор, инспектор, девонхона мудири) “Ижро интизоми” идоралараро электрон ҳужжат айланиш тизими ва “Е-ХАТ” ХЭП тизимлари уланганлигини ҳамда уларни ўқитиш ишлари якунига етганини, бажарилган ишлар бўйича далолатномалар расмийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 27 майдаги 83-Ф-сон фармойишига 5.1 бандига асосан “UNICON.UZ” ДУК томонидан жисмоний шахсларга ЭРИ сертификати ва калитларини тарқатишда онлайн тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида “CLICK” МЧЖ билан музокаралар олиб борилиб, “Алоқабанк” АК билан шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг янгидан қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 6 мартдаги 50-сонли “Вазирлар Маҳкамасининг “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарори қабул қилинган. Ушбу Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг бир қатор қонун ва фармойишлари қабул қилинди, хусусан, 2015 йил 11 мартдаги 23-сон, 2015 йил 11 июндаги 132-сон ва 2015 йил 27 майдаги 83-Ф-сонли фармойишларига асосан “Ўзбектелеком” АК ва “Ўзбекистон почта” АЖ ўзаро бош келишув шартномалари имзоланди. Унга кўра “Ўзбекистон почта” АЖ почта алоқа объектларида ва “Ўзбектелеком” АКнинг сотув офисларида «UNICON.UZ» ДУК томонидан ишлаб чиқилган ЭРИ сертификати ва калитларини генерация қилиш, тарқатиш ва сотиш хизматини тақдим этиш ҳамда “E-kalit” аппарат-дастурий қурилмасини аҳолига етказиб беришда қўшимча имкониятлар яратиш кўзда тутилган.

“E-XAT” ҲЭП, “Ижро интизоми” ИМОН тизимлари ҳамда “E-kalit” аппарат-дастурий қурилмаларига улаш ва фойдаланишда жисмоний шахсларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида “UNICON.UZ” ДУК томонидан мобил телефонидан фойдаланган ҳолда тўловларни “Click” тизими орқали амалга ошириш имконияти яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2412-ПҚ-сонли Қарорига мувофиқ ҳудудий ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида “ягона дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш марказларини ҳамда ушбу марказлар билан ҳамкорликда ишловчи бошқарма ва ташкилотларни Идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига улаш вазифаси белгиланган. “UNICON.UZ” ДУКга келиб тушган аризалар асосида идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига 194 та «ягона дарча» марказлари, ҳамда 2400 дан ортиқ давлат органлари ва давлат хизматларини кўрсатувчи бошқа ташкилотлардан 3940 фойдаланувчи уланди. Шунингдек, республика миқёсида “UNICON.UZ” ДУК мутахассислари томонидан мазкур тизим фойдаланувчиларига ўқув курслари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 16 ноябрдаги “О мерах по дальнейшему внедрению в деятельность органов прокуратурк современных информационно-коммуникационных технологий” 2433-ПҚ-сонли Қарорига мувофиқ “UNICON.UZ” ДУКга прокуратуралардан келиб тушган аризалар асосида ЭРИ калитлари генерация қилинмоқда.

15. 2015 йил давомида “UNICON.UZ” ДУК ходимларининг малакасини ошириш дастурини амалга ошириш ишлари бажарилди.

Ҳисобот даврида Марказнинг ўқув марказларида 280 та ходим ўз малакаларини оширдилар.

Ходимлар таркибини малакали ходимлар билан тўлдириш мақсадида “UNICON.UZ” ДУК ТАТУ ва бошқа олий ўқув юртлари билан фаол ҳамкорлик қилади.

Ҳозирги вақтда 2 та талаба ТАТУда, 10 та талаба Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида проф. М. А. Бонч-Бруевич номидаги Давлат университетида, 1 та талаба Инха университетида “UNICON.UZ” ДУК ҳисобидан ўқимокдалар.